№45 (323)

2002 йил 6 ноябрь

чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ КИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ КИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "МАҲАЛЛА" жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

2

* Танишинг, Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармасининг янги тахриридаги Низоми!

3

* Муборак рамазонга яна бир бор етказди!
* Уйингизда газ бўлмаса... ҳақини тўланг!

4

* «Дом»лардаги маҳаллалар фойдали(ми)!?
* «Эсмеральда»нинг янги қилмишлари...

РУКН Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги олдидан

ЭРКИНЛИК ТАМОЙИЛИ УСТУВОР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУТЦИЯСИГА 10 ЙИЛ

Биз демократия ва юксак тараққиёт томон одимлаяпмиз. Бу йўлдаги қадамларимиз дадил, залворли, айни пайтда ишончлидир. Маълумки, чинакам демократик давлатда шахс эркинлиги устувор, унинг ҳуқуқлари қонунлар орқали ҳимояланади. Эркинлик эса, том маънода мустақиллик дегани. Зотан, давлат мустақиллиги унинг барча фуқароларининг шахс сифатидаги мустақиллиги билан уйғунлашиб кетсагина у янада мустаҳкам бўлади. Расман мустақил бўлгани билан ич-ичдан мустақилликка эришмаган давлатнинг фуқаролари ҳеч қачон эркин ва озод кишиларга айлана олмайди. Шу боисдан ҳам мустақил юртимизда демократияни қарор топтиришга қизғин киришилиб, унинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий заминлари яратилаётир.

Бундан ўн йил аввал қабул қилинган Асосий Қонунимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминловчи моддалар етакчи ўринни эгаллайди. Умуман, шахс эркинлигининг ўзи нима? Айтайлик, сиз ҳар куни битта автобусда ишга бориб келасиз. Шу аснода маълум бир вақтга мослашасиз ва бу транспортнинг ички тартибларига бўйсунасиз. Орадан бироз вақт ўтиб ўзингиз енгил автомашина сотиб олдингиз. Демак, сиз энди мутлақо эркинсиз, яъни автоуловингиз билан истаган томонингизга боришингиз мумкин. Бироқ, чуқурроқ ўйлаб қаралса, бу эркинлигингизнинг муҳим шартлари ҳам борлиги аён бўлади. Чунки, сиз машина ҳайдашни ва йўл қоидаларини тўлатўкис ўзлаштирган бўлишингиз керак. Уларни қанча чуқур ва пухта билсангиз, сиз шунчалик ҳимояланган ва эркин бўласиз. Қаранг, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш - амалдаги қонунларни билиш ва уларга қанчалик риоя этишда кўпроқ намоён бўларкан! Шу ўринда битта ҳикматни эсламоқ жоиз. Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» асарида буюк саркарда Амир Темурнинг «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, ўша ерда эркинлик бўлади» деган гапларини мисол учун келтиради. Бу жиҳатдан Конституциямизни эркинликларимиз ва ҳуқуқларимизни ҳимоялашнинг ҳамда демократик тамойилларимизнинг қудратли манбаи дейиш мумкин.

Конституция қабул қилингандан кейинги ўтган давр ичида юртимизда юзлаб янги қонунлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди. Шулардан бири «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонундир. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари эндиликда ушбу зарурий ҳужжатга асосланган ҳолда фаолият кўрсатиб, миллий анъаналаримиз ва менталитетимизнинг ғоят такомиллашган йўлидан бормоқда. Таъкидлаш ўринлики, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳаётига дахлдор қонунлар Конституциямизга ҳам алоҳида модда сифатида киритилган. Асосий Қонуннинг 105-моддасида «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади» дейилган. Агар масалага кенгроқ ёндашадиган бўлсак, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳаёти ва фаолиятига оид модданинг Конституциямизга киритилишининг ўзиёқ маҳаллага катта ишонч ва эътибор билан қаралаётганининг исботидир. Бу бой тарихий анъаналаримизни, ўзига хос урф-одатларимизни ва ҳавас қилгулик ўзбекона фазилатларимизни маҳалла фаолияти асосида тиклаш ҳамда равнақ топтириш имкониятини яратади.

Аслида, маҳалла тарихи олис ўтмишга бориб тақалади. Маҳалла илгари ҳунармандчилик ҳамда инсоний тамойилларнинг бешиги саналган. Тўғри яшаш шартлари - ҳалоллик, меҳнатсеварлик ва меҳр-мурувват маҳалла турмуш тарзининг ўзагини ташкил этган.

Бир ярим асрли вақт ичида ўз тарихимизга лой чаплаб, сохта ва ёлғон мафкура таъсирида яшадик. Ўзимизни, ўзлигимизни унутдик. Натижада миллий ғуруримизга путур етди. Истиқлолга эришганимиздан сўнггина ўз давлатимиз, ўз еримизга эга бўлдик. Шу ўринда Конституция бизнинг янги ижтимоий тузумимизнинг ва миллий давлатчилигимизнинг ишончли манбаини яратиб берди. Дунёнинг ҳеч бир мамлакатида халқнинг миллий хусусиятидан келиб чиққан тамойиллар бу даражада демократик йўналиш касб этмаган. Айни вақтда маҳаллаларда давлат аҳамиятига молик масалалар ҳал этилади, жамият келажагига алоқадор улкан муаммолар ўз ечимини топади. Сайловлар эса демократик тарзда ўтказиб борилади. Маҳаллада яшовчи ҳар бир шахс ўз фикрини очиқ-ойдин ифода этиш, ўз шаънини ҳимоялаш сингари ҳуқуқларга эга. Эндиликда маҳалла миллий мафкуранинг қайноқ ўчоғига - фикрлар ранг-баранглиги акс этган улкан демократия дарсхонасига айланди. Асосий қонунимиз демократиянинг қудратли манбаи сифатида ҳар бир юртимиз фуқаросининг озодлигини таъминлаш, миллий давлатчилигимизни тиклаш йўлидан боришимизда ҳаётбахш ва илҳомбахш дастур ҳисобланади. Шу билан бирга Конституция миллий мафкурамизнинг моҳиятини белгилаб берган ғоят муҳим ҳужжатдир.

РУКН ПЕДАГОГ — ТАРБИЯЧИЛАРНИНГ ЎҚУВ СЕМИНАРИ

Маҳалланинг янги ходими...

У қандай фаолият кўрсатаяпти?

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, «Маҳалла Зиёси» ўқув-услубий маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 май 162-сонли Қарори асосида бугунги кунда маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган педагог-тарбиячиларнинг малакасини ошириш учун ўқув семинарлари ташкил қилди.

Ўқув семинари Тошкент шаҳри туман ҳокимликларида махсус жадвал асосида ўтказилмоқда.

Маҳаллаларда педагог-тарбиячининг фаолият кўрсатиши янгилик бўлиши билан бирга маҳалла учун ниҳоятда зарур бўлган ғоят масъулиятли вазифадир. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Ғадойбоев дастлабки машғулотларда иштирок этиб маҳалланинг тарбиявий роли ҳақида фикрини билдирди.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, маҳаллаларда ўзлари тарбияга муҳтож ота-оналар ҳам топилади. Уларнинг жамиятга келтирган «фойдалари» эса назоратсиз, ўз ихтиёрига ташлаб қўйилган, руҳан майиб болалардир. Педагог-тарбиячиларнинг вазифаси ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш, мумкин қадар бундай ҳолатларнинг бўлмаслигига эришишдан иборатдир. Педагог-тарбиячининг маҳалладаги фаолиятининг мақсад ва вазифалари ҳақида ҳар бир туманда бўлган семинарда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Н.Абдуллаев атрофлича тушунтириш берди.

Маълумки, ҳар бир маҳаллада профилактика нозири фаолият кўрсатади. Маҳаллада бўладиган кўнгилсиз ҳолатларнинг айбдорларини топиб чора кўриш унинг вазифаси. Аммо жазога тортишдан осон нарса йўқ. Худди шу ҳолатда педагог-тарбиячи билан профилактика нозирининг ҳамкорлиги бошланади. Республика Ички ишлар вазирлиги вакиллари бу ҳақда ўзининг қимматли маслаҳатларини бермоқда.

Кўп миллатли маҳаллаларимизда тотувлик, диний дахлсизлик, юрт равнақи ва тинчлиги учун ёшлар фаоллигини ошириш, Миллий истиқлол ғоясини улар онгига сингдириш педагог-тарбиячининг энг асосий вазифаларидан саналади. «Маҳалла Зиёси» ўқув-услубий Маркази директори ўринбосари, фалсафа фанлари доктори, профессор С.Раҳимов «Миллий истиқлол ғояси, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ғояларини ёшлар онгига сингдиришда педагог-тарбиячининг роли»га бағишланган маърузасида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтди.

Семинар қизғин мунозара ва мулоқотлар, савол-жавобларга бой бўлди.

И.ИБРАГИМОВА

РУКН Жамғарма ҳаётида

ЯНГИ НИЗОМ, ИМКОНИЯТЛАР

Мамлакатимиздаги нодавлат, нотижорат ташкилотлари орасида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармасининг алоҳида ўрни ва аҳамияти бор. Яқинда жамғарманинг янги тахриридаги Низоми тасдиқланди. Ушбу Низомга кўра жамғарманинг республикамиз вилоятлари ва туманларидаги бўлим ва бўлинмалари фаолияти янада изчиллашади, кенг қамровли тус олади. Уларнинг имкониятлари ҳам молиявий, ҳам ташкилий жиҳатдан бир мунча кенгаяди. Бу эса ўз навбатида жойларда маҳаллаларнинг фаолиятида ҳам ўз аксини топади, албатта.

(2-саҳифада)

РУКН Оқсоқол журъати

ОТНИ АЁЛ ЭГАРЛАСА...

Деҳқонобод туманидаги Нодира маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Марҳамат Нурматова оқсоқол сифатида ишни маҳалла биноси ва мўъжазгина гузар қурилишидан бошлади.

Бу бинолар ҳашар йўли билан қурилди. Эндиликда ҳашар йўли билан бу ерда шунақа чиройли бинолар қад кўтардики, кўриб кўз қувонади. Маҳаллада янги иш ўринлари ташкил қилиш мақсадида тикувчилик цехи, сартарошхона барпо этилди. Бу ерликлар асосан чорвачилик билан шуғулланиши ҳисобга олиниб, отлар учун эгар-жабдуқ ясайдиган цех ҳам ташкил қилинди. Ҳар бир шоҳобчага маҳалладаги ҳунармандлар ишга жалб этилди. Иш осонликча кечгани йўқ, албатта. Марҳамат Нурматова бозор талабидан келиб чиққан ҳолда бу цехда маҳсулот тайёрлашга ва унинг харидорини қидириб топишга ҳаракат қилди. Бу мўъжазгина цех довруғи қўшни Сурхондарё вилоятидаги чавандозларга ҳам етиб борди. Харидорлар ўзлари кела бошлашди. Бугунги кунда эса беш нафар ҳунарманд меҳнат қилаётган бу цех маҳсулотлари харидорлар эҳтиёжини қондиролмаётир. Эндиликда шунга ўхшаш яна бир цех очишга киришилди.

- Отам уста чавандоз бўлганлар, - дейди Марҳаматхон. Ёшликдан отларга ҳавасим баланд эди. Мен ҳамиша отамнинг отларига ўзим эгар-жабдуқ солардим. Чунки, отнинг эгар жабдуғи мустаҳкам бўлса, чавандоз от устида бемалол ўтиради, уйга совринсиз қайтмайди. Шунинг учун ҳам, мен маҳалламизда ана шундай цехни очишга қарор қилдим. Ёшларимизнинг ҳам бу қадимий ҳунарга қизиқишлари баланд.

Маҳбуба ОДИЛОВА

РУКН Тадбир

Куни-кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва республика «Маҳалла» жамғармаси биргаликда ишлаб чиққан «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатини жойларда ўзаро ҳамкорликда амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси» тасдиқланди.

ХАМКОРЛИК

Жумладан, унда ҳар икки орган вакиллари жойлардаги белгиланган талбирларни амалийлигини таъминлашда доимий тарзда тегишли ёрдам кўрсатиш, қилинаётган ишлар устидан назорат ўрнатиш ва энг муҳими, республика Солиқ кодекси мазмун, моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш бўйича ахборот бериб борилишига эришиш зарурлиги алоҳида уқтирилади.

Шунингдек, ушбу йўналишда қилинган ижобий ишлар ва эришилган натижалар оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ёритиб борилишини таъминлаш муҳимлигига эътибор қаратилди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, маҳалла ҳудудларидаги мавжуд солиқ тўловчи субъектлар (жисмоний ва юридик шахслар) тўғрисидаги маълумотларнинг олинишида ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари талабларига зид равишда четдан ноқонуний олиб келинган товарларнинг маҳалла ҳудудида сотилишига чек қўйиш, фуқароларнинг солиқ қонунларини пухта билишлари, ҳукумат қарорлари талабларига қатъий риоя қилишлари бўйича маҳаллалар ўртасида турли танловлар ўтказиб боришда ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, режада участка солиқ инспектори билан ҳамкорликни самарали ва намунали йўлга қўйган маҳалла фаолларини рағбатлантириш каби масалалар ҳам ўз аксини топган.

МУХБИРИМИЗ

МАҲАЛЛАДА ҲАММАЁҚ ТИНЧ

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев номли маҳаллада Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Фидокорлар Миллий демократик партияси ва туман ҳокимлиги ҳамкорлигида «Кучли ижтимоий сиёсат-ислоҳотлар муваффақиятининг муҳим омили» мавзуида маънавий-маърифий йиғин ўтказилиб, унда тумандаги маҳаллалар оқсоқоллари иштирок этдилар.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари, Олий Мажлис депутати А.Болиев шу йилнинг 29 августида бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўқкизинчи сессиясида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзуидаги маърузасида таъкидланган ҳаётий муҳим масалалар хусусида тўхталди.

Нотиқлардан марказ раҳбарининг ўринбосари С.Олимов, «Тошкент оқшоми» газетаси бош муҳаррири, Фидокорлар Миллий демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби А.Акромов, Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари С.Ҳасанов, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси бўлими раиси Р.Акромов, Шайхонтоҳур туман судининг раиси А.Ҳикматов, туман прокурори ўринбосари К.Нуруллаев, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларидан Н.Қурбонов, Б.Халлоқовлар мустақиллигимизни мустаҳкамлашда ўзини ўзи бошқариш органлари тажрибалари, уларни оммалаштириш ҳамда келгусидаги долзарб вазифалар ҳақида гапирдилар.

Шунингдек, иштирокчилар Олим Хўжаев номли маҳалланинг ўзига хос жиҳатлари ва иш тажрибаси билан ҳам танишдилар.

Акром АКМАЛОВ,
Республика «Маънавият ва маърифат» маркази бош мутахассиси.

Обуна-2003

MAHALLA

– Яна нима дейди?
- «MAHALLA» газетасига обуна бўлишга кечиккинг! - дейди.

Маҳалла грант олди

Ғаллаорол шаҳридаги Бахт маҳалласи АҚШнинг «Каунтерпарт Консорциум» фонди танловида иштирок этиб, унинг грантини олишга муваффақ бўлди. Бахт маҳалласи ушбу халқаро фонд танловида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси бўйича қатнашган эди.

Яқинда маҳаллада ушбу лойиҳанинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда «Каунтерпарт Консорциум» фондининг минтақавий вакиллари, маҳалла аҳли, лойиҳа ижодкорлари қатнашиб, бу ишни амалга ошириш истиқболлари хусусида фикр алмашди.

Т.Бекназаров
(ЎзА)

РУКН МУНОСАБАТ: «ҚЎШТИРНОҚ ИЧИДА ҚОЛГАН ОТА»

25 сентябрь

«2002 йил 25 сентябрда «Mahalla» газетасида чоп этилган «Қўштирноқ ичида қолган ота» мақоласи Миробод тумани «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими кенгаши раҳбари, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси аъзолари ва тумандаги маҳаллаларнинг раислари иштирокида муҳокама қилинди.

Навруз маҳалласи фуқароси М.Ҳасановнинг ўз фарзандлари ва собиқ турмуш ўртоғига муносабатини ачинарли ҳол, деб ҳисоблаймиз.

Йиғилиш иштирокчиларининг хулосаси шундан иборат бўлдики, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун аҳоли ўртасида ҳаётий бой тажрибага эга шахслар иштирокида маънавий-маърифий тадбирларни кўпроқ ўтказиш, ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги, фарзандларнинг эса ота-оналар олдидаги инсоний ва қонуний бурчлари тўғрисида учрашувлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўйлаймизки, газетанинг ушбу чиқиши мақола қаҳрамони ва у каби шахсларни тегишли хулоса чиқариш ва ўз фарзандларига бўлган муносабатлари тўғрисида яна бир бор фикрлаб кўришга ундайди.

М.НОСИРОВ,
Миробод тумани ҳокими ўринбосари».

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот Агентлиги 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:
Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

ЎзР.
Адлия вазирлигида
рўйхатга олинди
29 октябрь 2002 й. № 44

Ўзбекистон «Маҳалла»
хайрия жамғармасининг
III конференцияси қарори
билан жамғарма республика
бошқаруви мажлисида
ТАСДИҚЛАНГАН
2002 й. 15 август

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси НИЗОМИ

(Янги таҳрири)

Тошкент-2002

1-модда. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси (бундан буён матнда «Жамғарма» деб юритилади) юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий-мулкий бадаллар қўшиш асосида таъсис этилган ўзини ўзи бошқарувчи нодавлат, нотижорат, мустақил жамоат ташкилоти бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат, нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонунлар, халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда ушбу Низом асосида олиб боради.

1.2. Жамғарма Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, уларнинг туман ва шаҳарларида ушбу Низом асосида фаолият юритувчи бўлим ва бўлинмаларини ташкил этади.

1.3. Жамғарма, унинг бўлим ва бўлинмалари юридик шахс мақомига эга бўлиб, мустақил баланс, жорий ва валюта ҳисоб рақамларига эга бўлади. Қонунда белгиланган тартибда ўз рамзига, номи қайд этилган муҳри ва тамғасига эга бўлади.

1.4. Жамғарма ўз мақомига кўра асосан республика ҳудудидаги маҳаллалар фаолиятини йўналтиради, илғор ютуқларини умумлаштириш ва оммалаштириш орқали уларнинг фаолиятига услубий жиҳатдан раҳбарлик қилади, аҳолининг муҳтож қисмига ижтимоий ёрдам кўрсатади.

1.5. Жамғарма республика бошқарувининг манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Моваройннаҳр кўчаси, 6-уй.

2-модда. ЖАМҒАРМАНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Жамғарманинг асосий мақсади маҳалла ва маҳалла аҳолисининг ижтимоий, иқтисодий, маданий даражасини тобора юксалтириш, миллий анъана ва удумларни янада бойитиш, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иш фаолиятини бошқариш, назорат қилиш, ҳар томонлама мувофиқлаштириш ва ривожлантиришдан иборат.

2.2. Жамғарма қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- маҳаллаларда маданий, маънавий-маърифий тарғибот ишларини кенг йўлга қўйишнинг услубий асосларини яратиш ва жорий қилиш;
- аҳоли ўртасида ўзаро ҳурмат ва инсонпарварлик, яхши қўшничилик, меҳр-оқибат муносабатларини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг зарурлигини кенг тарғиб қилиш ва тарғибот услубларини яратиш;
- ёш авлодни миллий мафкура, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашда маҳаллаларга услубий ёрдам кўрсатиш;
- давлат органлари ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш жараёнида фаол қатнашиш ва бу ваколатларнинг амалга оширилишида маҳаллалар учун зарурий услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- маҳаллалар раислари, оқсоқоллари ва фаолларининг билим даражасини, малакасини ва савиясини кўтариш, уларда бозор иқтисодиёти муносабатларига мос келувчи замонавий бошқарув кўникмаларини шакллантиришда ўқув ишларини ташкил қилиш;
- маҳаллаларнинг мамлакатимиздаги ҳамда хориждаги жамоат ташкилотлари, давлат бошқарув органлари билан ўзаро муносабатлар механизмларини шакллантириш, уни ривожлантириш мавзуларида илмий-амалий анжуманлар ўтказиш;
- республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган халқаро хорижий ташкилотлар, элчихоналар, жамоалар ва жамғармалар билан жамғарма ваколати доирасида алоқа ўрнатиш, ҳамкорликда қўшма илмий Лойиҳа ва Дастурлар ишлаб чиқиш ва бажариш, молиялаштириш учун халқаро грантлар олишни ва бажаришни ташкил қилиш;
- Ўзбекистонда халқаро анжуманлар, семинарлар ўтказишга ташаббускорлик қилиш, анжуманларга чет эллик вакилларни ўрнатилган тартибда таклиф қилиш, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган халқаро анжуманларда қатнашиш;
- республикадаги бошқа нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан алоқалар ўрнатиш, ҳамкорликни кучайтириш;
- маҳаллаларнинг иш фаолиятини ўрганиб бориш, таҳлил қилиш ва шу соҳадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш ва улар манфаатини қонун асосида ҳимоя қилиш, улар томонидан ишлаб чиқилган истиқболли ғоялар ва ислоҳот лойиҳалари, республикани ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга олиб борадиган амалий тадбирларни қўллаб-қувватлаш, бу ишларда уларга бутун чоралар билан кўмаклашиш;
- маҳаллалар ишини мувофиқлаштирувчи оқсоқоллар кенгашларини ташкил қилишда ўз таклифлари билан иштирок этиш, фаолиятини йўналтириш, зарур ҳолларда молиявий қўллаб-қувватлаш;
- маҳаллалардаги кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексалар, фахрийлар, ногиронлар, кўп болали оилалар, етим-есирлар, байналмилалчилар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш;
- маҳалла аҳлининг ташаббускорлигини оширишда қулай моддий ва маънавий шароитлар яратиб бериш, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, маҳаллаларда кичик ва қўшма корхоналар очишга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;
- банк очишда қатнашиш, лотерея ўйинлари ўтказиш, кредитлар олиш ва бериш;
- чорва моллари, парранда ҳамда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш мақсадида хўжаликлар ташкил қилиш;
- чет эл фирмалари ва фуқаролари иштирокида қўшма корхоналар очиш ва турли кўргазмалар ташкил қилиш;
- халқаро алоқаларни амалга ошириш мақсадида чет эллардаги биродарлик уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш;
- экологик дастурни амалга оширишда иштирок этиш;
- амалдаги қонун ва қоидаларга мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, ахборот ва нашриёт фаолиятини олиб боради.

3-модда. ЖАМҒАРМАНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Жамғарма ва унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари, корхона ва ташкилотлари, юридик шахс бўлиб, ўзига ажратилган мулкка, мустақил балансга, банкларда жорий ва валюта ҳисоб рақамларига, муҳр, тамға, юридик шахсга хос бўлган бошқа нарсаларга эга.

3.2. Жамғарма ва унинг бўлимлари, бўлинмалари тегишли шартномалар тузишга, тадбиркорлик билан шуғулланиш, фирмалар, корхоналар очишга, номулкий ва мулкий ҳуқуқларга эга бўлишга, ўз зиммасига турли мажбуриятлар олишга, судда, ҳакамликларда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашишга ҳақли.

3.3. Шунингдек, қуйидагиларни амалга ошириш ҳуқуқларига эга:

- маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш, керакли маълумот ва ахборотлар олиш;
- давлат ва бошқа ташкилотлар, маҳаллалар, корхоналар ва фирмалар билан биргаликда ўзининг ҳамкорлик лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш;
- ўз номидан шартномалар тузиш, мулкий ҳуқуққа эга бўлиш, сўм ва валюта билан қарз олиш ва қарз бериш;
- юридик ва жисмоний шахсларга маслаҳатлар белиш ахборот ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш;
- ишлаб чиқариш, илмий ва бошқа турдаги ташкилот, фирмалар, хорижий шериклар билан бирга қўшма корхоналар ташкил қилиш;
- ўз оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш;
- илмий, ноширлик, ахборот ва маданий-маърифий фаолият кўрсатиш;
- концерт ва бошқа оммавий тадбирларни уюштириш;
- кўрик-танловлар ва турли мусобақалар ўтказиш, мукофотлар белгилаш ва бериш;
- ютуқли пул-буюм лотереялар ўйинларини ўтказиш, санъат асарлар кўргазмаларини, шанбаликларни ташкил қилиш;
- акционерлик жамиятларига аъзо бўлиш, қиймат-баҳо қоғозлар чиқариш;
- мол-мулкка эгалик қилиш ва уларни бошқаларга ўтказиш ҳамда ижарага бериш ҳуқуқини амалга ошириш;
- ҳар қандай мол-мулкни сотиб олиш, ўз корхоналари орқали сотиш, алмаштириш, балансга қабул қилиш, балансдан чиқариш;
- давлат экологик дастурини амалга оширишда иштирок этиш.

3.4. Жамғарма ўзи ташкил этган бўлимлари, бўлинмалари, ташкилот ва корхоналари мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, бўлим, бўлинма, корхона ва ташкилотлар эса унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар.

3.5. Давлат органлари жамғарманинг мулкий мажбуриятлари бўйича жавобгар ҳисобланмайди.

3.6. Жамғарма фаолиятининг махсус рухсатнома (лицензия) билан амалга ошириладиган турлари шундай рухсатнома олинганидан сўнг амалга оширилади.

3.7. Жамғарма ўни рўйхатдан ўтказган органга, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

4-модда. ЖАМҒАРМАНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

4.1. Жамғарманинг энг юқори раҳбар органи Конференциядир. У беш йилда бир марта чақирилади. Шунингдек, таъсисчиларнинг учдан икки қисми талабига кўра навбатдан ташқари ҳам чақирилиши мумкин.

4.2. Конференциянинг чақирилиши ҳамда унинг кун тартиби камида бир ой муддат олдин эълон қилинади. Вакиллик миқдори жамғарма бошқаруви ва таъсисчилар томонидан белгиланади.

4.3. Жамғарманинг бошқарув органларига таъсисчи аъзолар (ҳомийлар) кенгаши, жамғарма бошқаруви ва тафтиш комиссияси киради.

4.4. Таъсисчиларнинг тавсиясига кўра жамғарма конференциясида очиқ ёки ёпиқ овоз бериш йўли билан жамғарма бошқаруви таркиби, унинг раиси ва тафтиш комиссияси сайланади.

4.5. Конференциянинг ваколатига қуйидагилар киради:

- жамғарма бошқаруви, бошқарув раиси ва тафтиш комиссиясини сайлаш ҳамда уларнинг ҳисоботларини тинглаш ва тасдиқлаш;
- жамғарма Низомини тасдиқлаш ва унга тузатиш ҳамда қўшимчалар киритиш;
- узоқ муддатли дастур ва жамғарма фаолияти режаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- жамғарма бошқарувининг таклифига биноан унинг таркибига аъзолар қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш.

4.6. Конференциялар оралиғи даврида жамғарма раҳбар органи унинг бошқаруви ҳисобланади.

4.7. Жамғарма бошқаруви беш йил муддатга сайланади, унинг таркибига кирувчилар сонини конференция белгилайди.

4.8. Жамғарма бошқаруви:

- жамғарманинг республика бошқаруви, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари, туман ва шаҳарлардаги барча бўлинмалари Конференция томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият кўрсатадилар;
- жамғарманинг конференциялар орасидаги фаолиятига раҳбарлик қилади;
- жамғарма Низомидан келиб чиқиб, конференция қарорлари ва у қўйган вазифалар бажарилишини ташкил этади; шу мақсадда ҳамкор давлат ва нодавлат ташкилотлар вакилларидан иборат жамоатчилик маслаҳат кенгаши тузиши мумкин;
- жамғарманинг амал қилиб турган Низомига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва навбатдаги конференциясида уларни тасдиқлашга тавсия этади;
- жорий ишларни юритиш учун Раёсат сайлайди ва ижро аппаратини шакллантиради;
- ҳар йили ўз мажлисида Раёсатнинг йиллик ҳисоботини эшитади, жамғарманинг иш режаси ва бюджет лойиҳалари, ҳисоб-китобларини кўриб чиқади ва жамғарма бошқаруви мажлисининг тасдиғига киритади, бошқарув аппаратининг штат жадвалини тасдиқлайди;
- жамғарма маблағларини бошқарув мажлисида қабул қилинган дастур ва лойиҳаларига мувофиқ сарф-лайди: шунингдек, унинг кундалик сарф-харажатларига ишлатади;
- жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари, корхона ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;
- жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиблари тўғрисида меъёрий ҳужжатларни тасдиқлайди;
- жамғарманинг хўжалик бўлимлари ҳақидаги қоидаларни тасдиқлайди;
- ишлаб чиқариш ва бошқа бўлинмалар, жамғарма иштирокида ташкил топган турли корхоналарнинг раҳбарларини тасдиқлайди;
- жамғарма фаолиятига алоҳида ҳисса қўшган фаолларни Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат мукофотларига тавсия қилиши ва ўзининг мукофотлари билан тақдирлаши мумкин;
- жамоатчилик Маслаҳат Кенгаши ишини ташкил қилиш ва унинг янада бойитиш, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иш фаолиятини бошқариш, назорат қилиш, ҳар томонлама мувофиқлаштириш ва ривожлантиришдан иборат.

4.9. Жамғарма бошқаруви Раёсати:

- жамғарма бошқаруви Раёсати бошқарув йиғилиши оралиқ давридаги ижрочи органдир;
- Раёсат аъзолари орасидан раиснинг биринчи ўринбосари, жамғарма фаолиятининг муҳим масалалари ва режалари бўйича раис ўринбосарлари, ижрочи директор ва бошқарувнинг масъул котибини сайлайди;
- жамғарма фаолиятига, бўлимлари, бўлинмалари ишларига раҳбарлик қилади, уларнинг режа ва бюджет лойиҳалари, ҳисоб-китобларини кўриб чиқади ва жамғарма бошқаруви мажлисининг тасдиғига киритади, бошқарув аппаратининг штат жадвалини тасдиқлайди;
- жамғарма маблағларини бошқарув мажлисида қабул қилинган дастур ва лойиҳаларига мувофиқ сарф-лайди: шунингдек, унинг кундалик сарф-харажатларига ишлатади;
- жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари, корхона ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;
- жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиблари тўғрисида меъёрий ҳужжатларни тасдиқлайди;
- жамғарманинг хўжалик бўлимлари ҳақидаги қоидаларни тасдиқлайди;
- ишлаб чиқариш ва бошқа бўлинмалар, жамғарма иштирокида ташкил топган турли корхоналарнинг раҳбарларини тасдиқлайди;
- жамғарма фаолиятига алоҳида ҳисса қўшган фаолларни Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат мукофотларига тавсия қилиши ва ўзининг мукофотлари билан тақдирлаши мумкин;
- жамоатчилик Маслаҳат Кенгаши ишини ташкил қилиш иши ҳудудий бўлим бошқаруви, тафтиш комиссияси ҳамда бўлинма конференциясида сайланган тафтиш комиссияси томонидан олиб борилади.

4.10. Бошқарув раиси:

- конференция ва бошқарув мажлиси қарорларининг бажарилишини таъминлайди;
- жамғарма бўлимларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;
- жамғарма номидан давлат органларида, жамоат ва чет эл ташкилотларида вакиллик қилади;
- жамғарманинг ишонч қоғозисиз унинг номидан иш юргизади, вакиллик қилади;
- жамғарма бўлим ва бўлинмаларидан жойлардаги ишлари тўғрисида зарур материаллар ва ахборотлар талаб қилади;
- жамғарма корхоналари, ташкилот ва муассасалари фаолиятини уюштиради, йўналтиради ва назорат қилади;
- жамғарманинг маблағи ва мулкини Раёсат қарорига кўра зарур топган мақсадларга ишлатади;
- турли битимлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар тузади, ишонч қоғозлари беради, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа чет мамлакатларнинг банкларида ҳисоб рақамларини очади ҳамда ана шу рақамларга эгалик қилади;
- жамғарма номидан фармойиш, йўриқномалар ва иш қоғозлари чиқаради;
- бошқарув штатини белгилайди;
- ходимларни ишга қабул қилади, ишдан бўшатади, шунингдек, жамғарма бошқарув аппарати ходимлари, жамғарма корхоналари, ташкилот ва муассасалари раҳбарлари билан шартнома ва контрактлар тузади; ходимларга нисбатан рағбатлантириш ёки жазо (таъсир) чораларини кўради, фаолиятларини назорат қилади; ўз ўринбосарлари ва жамғарма бошқарув аппарати бошқа ходимлари ўртасидаги вазифаларни тақсимлайди, уларнинг ваколатларини белгилайди;
- ходимларнинг иш тартиби ва дам олишини йўлга қўяди, давлат қонунчилиги нормаларига мувофиқ уларни ижтимоий муҳофаза қилади;
- ходимларнинг уй-жой, маиший соғломлаштириш каби масалаларини ҳал қилади.

4.11. Жамғарманинг бош ҳисобчиси (бухгалтер) ва юридик хизмат ходимлари ваколатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

5-модда. ЖАМҒАРМАНИНГ ҲОМИЙЛИК КЕНГАШИ

5.1. Ҳомийлар кенгаши жамғарманинг фаолиятини назорат қилиб борувчи орган бўлиб, таркиби таъсисчилар, сармоялар берувчи юридик ва жисмоний шахслар вакилларидан иборатдир.

5.2. Ҳомийлар кенгашининг мажлиси зарурлиятга қараб, лекин бир йилда камида бир марта ўтказилади.

5.3. Ҳомийлар кенгаши жамғарманинг фаолияти, мулкий ҳолати, берилган сармояларни белгиланган мақсадга сарф бўлаётгани ҳақида, шунингдек, бошқа маълумотларни талаб қилиб, ўз мажлисларида муҳокама қилиш ва таклифлар киритиш ҳуқуқига эгадир.

5.4. Ҳомийлар кенгаши аъзолари жамғарманинг раҳбар органларига сайланишлари мумкин эмас.

6-модда. ЖАМҒАРМА БЎЛИМ ВА БЎЛИНМАЛАРИ

6.1. Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўз бўлимлари бўлиб, улар ушбу Низом асосида фаолият кўрсатадилар.

6.2. Жамғарма бўлимларининг юқори органи Конференциядир. У беш йилда бир марта чақирилади.

6.3. Бошқарув аъзолари конференцияда, раёсат аъзолари ҳамда бошқарув раиси, раис муовинлари ва масъул котиб бошқарув мажлисида сайланадилар.

6.4. Сайланган бошқарув раиси республика бошқаруви раёсати томонидан тасдиқланади.

6.5. Жамғарманинг бўлимлари юридик шахс ҳисобланиб, ўз номи ёзилган муҳри ва тамғасига, ўзининг мулкига, банкдаги ҳисоб рақамига эга бўлади. Уларнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш иши жамғарманинг Республика бошқаруви, тафтиш комиссияси ҳамда бўлим конференциясида сайланган тафтиш комиссияси томонидан олиб борилади.

6.6. Жамғарма бўлимлари иш фаолияти юзасидан йилда икки марта республика бошқарувига ҳисобот беради.

6.7. Бўлим тугатилган ҳолларда унинг мулки жамғарма ихтиёрида қолади.

6.8. Жамғарманинг туман ва шаҳар бўлинмалари унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари бошқаруви раёсати қарори билан ташкил этилади ва уларнинг таркибий қисми сифатида ўз ваколатларини ушбу Низом асосида амалга оширадилар.

6.9. Туман ва шаҳар бўлинмасининг бошқарув аъзолари конференцияда беш йил муддатга сайланадилар.

6.10. Бўлинма бошқаруви раёсати аъзолари, бошқарув раиси ва масъул котиб бошқарув мажлисида сайланадилар.

6.11. Сайланган бошқарув раиси тегишли ҳудудий бўлим бошқаруви раёсати томонидан тасдиқланади.

6.12. Жамғарма туман ва шаҳар бўлинмалари юридик шахс ҳисобланади ва банкларда жорий ҳисоб рақамларини очади.

6.13. Жамғарманинг ҳар бир туман ва шаҳар бўлинмаси ўз номи ёзилган муҳрига ва тамғасига эга бўлади. Уларнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш иши ҳудудий бўлим бошқаруви, тафтиш комиссияси ҳамда бўлинма конференциясида сайланган тафтиш комиссияси томонидан олиб борилади.

6.14. Жамғарма бўлинмалари ўз фаолиятларида ушбу Низомга, конференция, жамғарманинг республика бошқаруви ва бошқарув раёсати ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари раёсати қарорларига амал қилади.

6.15. Туман ва шаҳар бўлинмалари тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб борадилар.

6.16. Жамғарма туман ва шаҳар бўлинмалари ҳар уч ойда ўз фаолиятлари тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларига ҳисобот берадилар.

7-модда. ЖАМҒАРМАНИНГ МУЛКИ ВА МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРИ

7.1. Жамғарманинг мулки унинг эркин балансида акс эттирилган моддий ва молиявий маблағларидан иборат бўлади. Жамғарманинг мулкий ҳуқуқий объектларига: иморатлар, биноолар, иншоот, ускуна, инвентарь, транспорт, маданий-оқартув ва соғломлаштиришга хизмат қиладиган мулклар, пул маблағлари, корхона, хўжалик, тижорат дўконлари, аҳолига хизмат кўрсатиш шоҳобчалари, босмахона ва нашриётлар, жамғарма маблағига сотиб олинган мулк ёки етиштирилган бошқа хил маҳсулотлар киради.

7.2. Жамғарманинг молиявий маблағлари қуйидагилар ҳисобига вужудга келади:

- жамғарманинг таъсисчилари ва аъзолари томонидан бериладиган мулк ва пул маблағларидан;
- давлат, хизмат кўрсатиш ташкилотлари, хўжаликлар, тижорат ва бошқа кичик, қўшма ҳамда чет эл корхоналари, ташкилотлар ва айрим кишилардан ихтиёрий равишда тушган хайрия пулларидан;
- жамоаларнинг ўз ташаббуслари билан ўтказиладиган ҳашарлар (шанбаликлар)дан тушадиган пул маблағларидан;
- жамғарма томонидан ўтказиладиган тадбирлар, нашриёт ва бошқа ижтимоий фойдали фаолиятдан тушган даромадлардан;
- тадбиркорлик фаолиятидан олинган фойдалардан тегадиган улушдан;
- жамғармага ҳадя ва васият қилиб берилган мулк, санъат асарлари ва пул маблағларидан;
- шунингдек, қонун билан таъқиқланмаган бошқа турли тушумлардан.

7.3. Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларига тушган пул маблағларининг 10 фоизи Жамғарма республика бошқаруви, шунингдек, туман ва шаҳар бўлинмаларига тушган маблағларнинг 10 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларининг маблағи ҳисобланади ва уларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига ўтказилади.

7.4. Барча турдаги тушумлар (маблағлар) жамғарманинг Республика бошқаруви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари, туман ҳамда шаҳар бўлинмаларининг банкдаги жорий ҳисобига ўтказилади.

7.5. Хайрия мол-мулки, қийматга эга бўлган буюмлар ва ашёлар тегишли ҳужжат асосида расмийлаштирилади.

7.6. Жамғарманинг барча турдаги маблағи ва мулки унинг низомий вазифаларини амалга ошириш, қонун ҳужжатларида кўрсатилган тартибда солиқ ва тўловлар ҳамда бошқарув аппаратини сақлаб туриш учун раёсат қарори асосида сарфланади.

8-модда. ЖАМҒАРМАНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

8.1. Жамғарманинг тафтиш комиссияси конференцияда сайланади.

8.2. Тафтиш комиссияси конференция тасдиқлаган Низом асосида фаолият кўрсатади.

8.3. Тафтиш комиссияси жамғарма бошқарувининг Низом асосида олиб бораётган фаолиятини ўрганади, таҳлил қилади ва таклифлар киритади.

8.4. Тафтиш комиссияси фақат Конференцияга ҳисобот беради.

9-модда. НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар конференция томонидан киритилади.

9.2. Низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан қайта рўйхатдан ўтказилади.

9.3. Ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган Низом қайта рўйхатдан ўтказилгач, қонуний кучга кирган ҳисобланади.

10-модда. ЖАМҒАРМАНИНГ ТУГАТИЛИШИ

Жамғарма фаолияти конференция қарорига биноан ёки қонунчиликда белгиланган тартибда тугатилади.

Ушбу ҳолларда бошқарув томонидан тузилган тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузиб, уни тасдиқлаш учун конференцияга тақдим этади.

Жамғарманинг мулклари қонунда белгиланган тартибда конференция қарори билан Низом мақсади йўлида сарфланади.

Обуна-2003
MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри



– Яна нима дейди?
–«MAHALLA»га обуна бўлмасангиз «Маҳалла» низомини қаердан ўқийсиз, дейди.

РУКН Ислом оламида

РАМАЗОНИ ШАРИФ ФАЗИЛАТИ

Аввало барча юртдошларимизни кириб келган Рамазони шариф билан чин дилдан муборакбод этаман.

Ҳожи АБДУРАЗЗОҚ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари

Бисмиллоҳир
раҳмонир раҳийм

Рўза Аллоҳ таолонинг Қуръони карими, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадислари ва ижмоъ уммат билан собит бўлгандир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг «Бақара» сураси, 183-оятида шундай баён қилади:

«Эй мўминлар! Тақводор кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилгани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинади».

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) бир ҳадиси шарифларида марҳамат қилиб:

«Кимки Рамазон ойида рўзанинг фарзлигига ишонган ва Аллоҳ таолонинг розилигини истаган ҳолда рўза тутса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади» - дедилар. Моҳи Рамазонни бутун Ислом олами ўзгача ажиб бир руҳ, ўзгача шукуҳ ила кутиб олади.

Аллоҳ таолога минг шукурким, диёримиз мусулмонлари бу кунларга тинч-осойишта етиб келдилар.

Рўза луғатда - «савм», яъни мутлоқ ўзини тийиб, ушлаб туриш демакдир.Рўза инсоннинг шариат ҳукмларини бажариши - Аллоҳ таоло учун ва унинг розилигидан умид қилиб саҳардан то қуёш ботгунча қасду ният билан нафсини тийишидир.

Рамазони шариф тоат-ибодат, қут-барака, бахт-саодат ойи. Шунинг билан бирга, иншоаллоҳ, бу ойда гуноҳлар ювилажак, тавба-тазарруълар, чин ихлос ва эътиқод ила қилган дуолар мустажоб бўлиб, қалблар таскин топажак.

Агар бир киши хасталигининг кучайиши ё тузалишининг кечикишидан қўрқса, сафарда бўлса, ҳомиладор ёки эмизикли гўдагига зиён етишида шубҳаланса ёки табаррук ёшга етган бўлиб, ҳолдан тойса ундай кишилар рўза тутмасликлари жоиз. Бу тоифадаги кишилар рўза тутишга монеъ бўлган сабаблар бартараф этилганидан сўнг, қолдирган кунларининг қазосини тутадилар. Табаррук ёшдаги отахон ва онахонларимиз рўза тута олмасалар ҳар кунги рўза учун бир мискиннинг бир кунлик таоми миқдорида фидя берадилар.

Саҳарликнинг таъхир қилиш (тонг отиши олдидан тўхтатиш), ифторликни тез (яъни, қуёш ботиши билан) қилиш мустаҳабдир.

Бу мағфират ойида меҳр-мурувват, саховат, олийҳимматликлар кўпроқ қилинади. Муборак ойда кундузлари соим, кечалари қоим бўлишлик барчамизга насиб этсин.

Ҳар бир рўзадор киши фақатгина оч-ташна қолиши билан Аллоҳ таолога тақво қилган бўлмайди, балки барча ишда у ўта ҳушёр, бошқалар билан муомалада мулойим, ўз нафсининг хоҳишини бажаришдан қутулиши лозим. Унинг руҳи вужудига ҳокимлик қилади. Рўзадор рўзаси мукаммал бўлмоғи учун ёлғон сўзлаши, бировларни иғво ва бўҳтон қилиши, нолойиқ сўзлар ила ўзгалар дилини оғритиши асло мумкин эмас. Бу борада Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) муборак ҳадисларида: «Қайси бир рўзадор одам ёлғон гапириш ва унга амал қилиш каби гуноҳларини тарк этмаса, ундай кишининг фақат еб-ичишинигина тарк этиб юришига Аллоҳ муҳтож эмас» - деб марҳамат қилдилар.

Рамазони шариф айни чоғда меҳр-мурувват ойи ҳамдир. Бу ойда бирор сабабга кўра аразлашган, гина-кудратли таниш-билишлар ҳам бир-бирларига қучоқ очадилар, ўзаро узр сўрашадилар. Биламизки, кечиримли ва меҳр-шафқатли бўлиш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ўтказиладиган ҳар бир ифторликни оила иқтисодига зарар етказмайдиган ҳолатда ниҳоят даражада тежамкорлик билан ўтказиш шариатимиз руҳига мос тушади. Албатта, буларни ўтказишда жойлардаги имом-хатиблар, маҳалла фаоллари ва оқсоқоллари билан бамаслаҳат иш тутган маъқул.



РЎЗА ТУТИШ (ОҒИЗ ЁПИШ) НИЯТИ

Навайту ан асума соома шаҳри Ромазона минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи Таъала. Аллоҳу акбар.

Яъни: Рамазон ойи рўзасини холис Аллоҳ Таъоло учун субҳдан кун ботгунча тутмоқликни ният қилдим. Аллоҳу акбар.

ИФТОРЛИК (ОҒИЗ ОЧИШ) НИЯТИ

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва ъалайка таваккалту ва ъала ризқика афторту, фағфир ли йа Ғоффару ма қоддамту ва ма аххарту.

Яъни: Аллоҳ, ушбу рўзамни фақат Сенинг учун тутдим ва Сенга иймон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва Сенинг берган ризқинг билан ифтор қиламан. Эй гуноҳларни авф қилувчи Аллоҳ, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгил.

Тошкент вақти билан тафовут (дақиқа ҳисобида)

Аввал: Андижон - 12, Жамбул, Қўқон - 7, Наманган, Фарғона - 10, Ўш - 14, Хўжанд - 6.
Кейин: Бухоро - 11, Денов - 7, Жиззах - 6, Нукус - 38, Туркистон - 4, Самарқанд - 9, Урганч, Хива - 35, Қарши - 11.

Изоҳ: Рўзанинг бошланиши Ой кўринишига қараб бир кунга фарқ қилиши мумкин.

Рамазон кунлари	Ноябр Декабр	Ҳафта кунлари	Саҳарлик-нинг тугаши	Ифторлик вақти
1	6	Чоршанба	5:18	17:14
2	7	Пайшанба	5:19	17:13
3	8	Жума	5:20	17:12
4	9	Шанба	5:22	17:11
5	10	Якшанба	5:24	17:10
6	11	Душанба	5:26	17:09
7	12	Сешанба	5:27	17:08
8	13	Чоршанба	5:28	17:07
9	14	Пайшанба	5:29	17:06
10	15	Жума	5:30	17:05
11	16	Шанба	5:31	17:04
12	17	Якшанба	5:32	17:03
13	18	Душанба	5:33	17:02
14	19	Сешанба	5:34	17:01
15	20	Чоршанба	5:35	17:01
16	21	Пайшанба	5:36	17:01
17	22	Жума	5:37	16:59
18	23	Шанба	5:38	16:58
19	24	Якшанба	5:39	16:58
20	25	Душанба	5:41	16:57
21	26	Сешанба	5:43	16:57
22	27	Чоршанба	5:45	16:57
23	28	Пайшанба	5:46	16:56
24	29	Жума	5:47	16:56
25	30	Шанба	5:48	16:56
26	1	Якшанба	5:49	16:56
27	2	Душанба	5:50	16:55
28	3	Сешанба	5:51	16:55
29	4	Чоршанба	5:52	16:55
30	5	Пайшанба	5:53	16:55

Саҳарлик ва ифторлик Тошкент вақти билан кўрсатилган.

ДЕНГИЗ МАЛИКАСИ

Денгиз бўйида яшаш кўп жиҳатдан яхши. Энг муҳими, денгизнинг ши-

фобахш ва тансиқ неъматларидан истаганча баҳраманд бўлиш мумкин. Қолаверса, фақатгина денгиз бўйида ташкиллаштириш мумкин бўлган шундай кўнгилочар тадбирлар борки... Суратдаги бу сулув қиз ҳам денгиз бўйида яшашидан жуда фахрланса керак. Сочилик малласоч бу қиз Қора денгиз шарафига уюштирилган тадбирда бу туйғуни ана шундай ўзига хос тарзда ифодалади.

... ЮЗ ЙИЛ АВВАЛ, ЧОРШАНБАДА...

Замбиянинг Ндола шаҳрида яшовчи Ричард Кунда ажойибу ғаройиб иқтидор эгаси чиқиб қолди. У бир неча юз йиллар олдин саналар ҳафтанинг қайси кунига тўғри келганини бир неча сония ичида аниқ айтиб беролар экан. Масалан, Ричард 1873 йил 1 май - Давид Нивингстоннинг ўлган куни чоршанба, 1835 йил 18 ноябрда Замбия ҳудудида Қуёш тутилган кун сешанба бўлганини бир зумлаёқ ҳисоблаб чиққан. Мутахассислар Ричардга Гиннес рекордлар китоби саҳифаларида ўрин бериш лозим, деган хулосага келдилар.

ТАЙГАГА ТУШГАН ТОШ(МИ)!?

Иркутск ўлкасининг Бодайбин тумани аҳолиси қизиқ воқеага гувоҳ бўлдилар:



осмонда ўзидан ёрқин нур таратаётган жисм тайганинг ўтиб бўлмас ўрмонлари томон учиб ўтдию, зум ўтмай еру кўк шовқин-суронга тўлди. Гувоҳлик беришларича, шу ҳодисадан сўнг тайга замини анча вақт «қалтираб» турган. Энг қизиғи, бундан роппа-роса юз йил муқаддам бу ерда худди шундай жисмнинг «ташрифи» туфайли кучли зилзила юз берган, ҳужжатларда бу зилзиланинг тебраниши ҳатто пойтахтимиз Тошкентгача, Олмониянинг Йена шаҳри ва Гуржистон пойтахти Тбилисигача етиб келганлиги тасдиқланган. Кучли портлаш оқибатида заминда улкан чуқурлар пайдо бўлган, ҳанузгача бу ерда гиёҳ ҳам кўкармас экан.

Эндиги само жисми юз йил олдингисидек талофат келтирмаган бўлса-да, одамлар ўрмонга яқинлашишдан қўрқмоқдалар. Соҳа мутахассислари ва олимлар эса «тайга воқеаси»ни ўрганишга ҳали фурсат топмаяптилар чамаси. Ҳар ҳолда улар бу воқеани изоҳлаганларича йўқ. Суратдаги жисмнинг эса ерга ташрифи муддати ҳатто маълум ҳам эмас. Шунисиниқки, унинг таркибида бизнинг планетамизга умуман ёт бўлган унсурлар мавжуд. Нима учун бу жисмлар юз йиллар давомида айнан тайгага «ёғилаётгани» эса энг катта жумбоқдир.

СЎРАНГ, БИЛИБ ОЛИНГ!

ВОРИС МАҲАЛЛА ЭМАС, ХОЛАНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ

САВОЛ:

Маҳалламизда яшовчи якка-ёлғиз фуқаро Шукуров Асад бир йил муқаддам вафот этди.

Марҳум ўзгалар парваришига муҳтожлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январдаги ПФ-2177 - сонли қарорига асосан туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан уй хизматчиси ва озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминланиб келинган.

Марҳум томонидан уй-жойга ворислик қилиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Лекин бу уй-жойга марҳумнинг хотини ва фарзандлари йўқлиги сабабли марҳумнинг холасининг фарзандлари даъвогарлик қилишмоқда.

Даъвогарлар маҳалла ҳудудида эмас, балки Бухоро вилояти Когон туманида яшашади. Бу уй-жойнинг маҳалла марказида мактаб, чойхона, сартароишхона, таъминотдаги савдо дўкони, автобекатлар яқинида жойлашгани учун маҳалла аҳлида унинг ўрнида маҳалла гузари барпо этиш истаги бор.

Марҳумга тегишли ер майдони ва уй-жойни маҳалла фуқаролар йиғини тасарруфига ўтказиш мумкинми?

Н.БАРНОЕВ,
Навоий вилояти Қизилтепа тумани Оқ олтин қишлоқ фуқаролар йиғини раиси .

ЖАВОБ:

Фуқаролик кодексининг 1138-моддасига асосан марҳумнинг холасининг фарзандлари қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эгадирлар.

Биринчи навбатдаги ворислар - ФКнинг 1135 - моддасига кўра мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва отаонаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Иккинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқи (1136-модда) мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда она (ота) бир ота (она) бошқа ака-укалари ва опасингиллари, шунингдек, унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувисига тегишли.

Учинчи навбатдаги ворис мерос қолдирувчининг туғишган амакиси, тоғаси, аммаси ва холаси бўлиши мумкин.

Қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқи мерос қолдирувчининг бошқа қариндошларига тегишлидир.

Юқоридаги қонун нормаларидан келиб чиқиб, ушбу ҳолатда марҳумга тегишли ер майдони маҳалла тасарруфига ўтказилиши мумкин эмас, чунки марҳумнинг учинчи даражали меросхўрлари бор. Бу ер майдони қонун бўйича уларга тегишлидир.

ОҚСОҚОЛ ҲАҚ ЭКАН!

САВОЛ:

Мен жиянимга қўшни маҳалладаги қизнинг охирига етмаган уйимни бермоқчиман. Лекин маҳалла оқсоқоли бунинг учун алоҳида рухсатнома керак деб айтди. Шу тўғрими? Рухсатнома олиш учун қаерга мурожаат қилса бўлади?

ЖАВОБ:

Фуқаролик кодексининг 210-моддасига асосан белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида қурилаётган янги уй-жойнинг мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Бир ёки бир неча шахслар томонидан қурилаётган уй-жой қурилиши тамом бўлгунча ва рўйхатдан ўтказилгунча маҳаллий ҳокимият органларининг рухсатисиз бошқа шахсга берилиши мумкин эмас. Шунинг учун Сиз ўзингиз яшайдиган туман ҳокимиятидан рухсат олишингиз лозим бўлади.

М.ДОНИЁРОВ,
Тошкент Давлат юридик институти катта ўқитувчиси.

Муборак бўлсин-эй...

«МУШТУМ» ЮБИЛЕЙИДА МИРИҚДИК!

2 ноябрь куни пойтахтимизнинг сўлим гўшаларидан бири - Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғида ажойиб тадбир бўлиб ўтди.

Кулгисевар халқимизга яхши таниш бўлган «Муштум» ҳажвий журналининг 80 йиллик юбилейи ва «Афанди» газетасининг 5 йиллик «тўйча»сини нишонлаш учун ташкил этилган кулги кечасида машҳур қизиқчилар, қўшиқчилар, ҳажвчи ёзувчилар ва таниқли ижодкорлар қатнашдилар. Айниқса, севимли қизиқчимиз Ҳожибой Тожибоев, «Ҳандалак»чилар Ортиқ Султонов ва Зокир Очилдиевларнинг ҳангомалари томошабинларнинг «ичагини узди». Тошкент маҳаллаларидан кечага атайин келган отахону онахонлардан ташқари шу куни боққа ҳордиқ чиқариш учун йиғилган ёш-ялангларнинг ҳам кулги кечасининг томошабинига айландилар. Хулласи калом, шу куни «Муштум» журнали саксон ёшга, «Афанди» газетаси беш ёшга тўлгани баҳонасида биз ҳам юзлаб маҳалладошларимиз қаторида ҳангомаю латифаларни тинглаб мириқдик.

«MAHALLA»чи

Шукр қилиб яшасак...

Бир мамлакат подшоҳининг қизи оғир хасталикка дучор бўлиб, табиблар унинг дардига даво топа олмабдилар. Шунда бир донишманд - «Подшоҳим, қизингизни дардига даво битта — фақат чин юракдан шукрона айтган инсоннинг кўйлагини олиб келиб, қизингиз устига ёпилса, тузалади»- деб айтибди.

Подшоҳ дарҳол навкарларга шундай кўйлакни топиб келтиришни буюрди.

Навкарлар ўйлаб ҳам ўтирмай, «Қишлоқ чеккасидаги ҳожи отаникига борамиз, ҳожи отам юз йил умр кўрган, бахтли ҳаёт кечирган, бола-чақали, ҳамма нарсаси етарли, шукрона айтиб яшаётган бўлса керак» деб, қарияга мақсадларини баён қилибдилар ва шундай жавоб олибдилар: «Тўғри, ҳамма нарсам етарли, лекин бева қолдим-да» - деб жавоб берибди.

Ҳожи отадан ҳафсалалари пир бўлган навкарлар мамлакатдаги барча бойу, амалдору, диндорлар билан учрашиб шукрона айтиб яшаётган кимсани топа олмабдилар.

Подшоҳ дарғазаб бўлиб эртага пешингача кўйлакни топиб кела олмасаларинг, барчангни каллангни оламан деб буйруқ қилибди.

Навкарлар умидсизланиб, бир-бирлари билан видолашиб турганда, бир одам келиб, «Биродарлар, бизнинг қишлоғимиздаги тўқайзорда бир капа бор, шу капада доимо бир одамнинг «берган кунингга, берган ризқингга шукур», деган овози келади, зора сизлар истаган одам бўлиб чиқса», дебди. Навкарлар от чоптириб айтилган жойга етиб борунга «Нега Сиз шу аҳволда бўла туриб шукрона айтиб ўтирибсиз? Шу чинми, ёки кесатиқми?» деб сўрабдилар. Шунда у одам: «Эй, биродарлар, нега шукр қилмай, ахир худо мени одам қилиб яратди, тўнғиз ёки қўнғиз қилиб яратмадику»,- дебди.

Инсон шундай яралганки бир эҳтиёжи қонгач, иккинчи, учинчи эҳтиёж пайдо бўлаверади. Худога шукур, мана ҳамма нарсам етарли деган инсонни ҳеч кўрмаганмиз, чунки дунё ўзи бир кам, агар биз бу нақлни тушуниб етсак, бахтли инсон бўлишимиз мумкин.

Навкарлар бу олижаноб инсондан кўнгиллари тўлсада, подшоҳ қизининг устига ёпгани кўйлаги йўқлигидан азият чекишиб подшоҳ ҳузурига қайтибдилар.

- Подшоҳим, биз айтилган одамни топдик, лекин минг афсуски, у одамнинг қизингизнинг устига ёпгани кўйлаги йўқ экан, - деб бўлган воқеаларни айтиб берибдилар.

Бундай ўйлаб қарасак, атрофимизда бўлаётган кўнгилсиз воқеалар бизнинг ҳақ йўлдан юрмай адашганлигимизга, риёсалар, ҳақиқатан ҳам ичкаридан келаётган овоз айнан навкарлар кутган овоз экан. Уй эгаси чақирилибди, лекин уй эгаси навкарлар олдига чиқа олмаслигини айтиб агар малол келмаса ичкарига киринглар, дебди.

Навкарлар ичкарига кириб ҳайрон бўлибдилар, ўтовда овоз берган одам ярим яланғоч, бошида болиш ўрнига тош қўйиб ётган эмиш.

Навкарлар шукрона келтириб яшаётган одамга юзланиб ўз мақсадларини баён этибдилар ва корлигимизга Аллоҳ томонидан бизга берилган жазо эмасмикан?

Биз шукр қилишни унутиб қўйдик шекилли.

Ҳозир ҳар бир хонадонда газ ёнади, хонадонимизда иссиқ-совуқ сувлар бор. Уйимиз нурга тўлган, энди бунга ўрганиб қолдик, бирор кун чироқ ўчиб қолса чидай олмаймиз, газ бир кун бўлмаса ўша куни овқатсиз қоламиз, сув йўқлиги ҳақида гапиришга ҳожат йўқ, уч кун иссиқ сув бўлмаса фиғонимиз фалакка чиқади.

Демак, бу нарсалар биз учун зарурат экан, нега энди ёққан газга, ичилган сувга, ишлатилган чироққа ҳақини тўлаб қўймаймиз. Айни кунда бир кичик шаҳар аҳолисининг биргина газ тўловидан юз миллионлаб сўм қарзи бўлиб, бу миқдор кунма-кун озайиши ўрнига кўпайиб бормоқда. Шунча қарзимиз турса-ю, яна биз мутасадди ходимлардан нолиймиз.

Биз катталар шукроналик билан яшасак, озига сабр қилиб кўпига шукр қилсак, хонадонимизда улғаяётган фарзандларимиз ҳам шунга ўрганади. Улар манманликдан йироқда ўсади. Биз ўзбекона фазилатларни ёшлар онгига сингдириш учун аввало ўзимиз ўрнак бўлмоғимиз лозим бўлади.

Анваржон АБДУРАҲИМОВ,
Андижон шаҳар Намуна маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

РУКН Ибрат

ГАЗАЛИК ОҚСОҚОЛ

Унинг раҳбарлигида Газа маҳалласи обод, кўркам. Аҳолиси тинч-осуда ҳаёт кечирмоқда.

Бу одам ёшлигидан меҳнатда чиниқди. Ҳисобчилик, бригадирлик ишини ўрганди, тажриба тўплади. Ордан кўп ўтмади. Мамаражаб Мусулмонов ўзи туғилиб ўсган қишлоқдаги бригадага ҳисобчи этиб тайинланди. Ҳисобчи ярим раҳбар. Шунинг учун ҳам ҳисоб-китоб ишларига масъулият билан ёндошди. Колхоз раҳбарлари ҳам унинг ишидан хурсанд эдилар.

Шу тариқа Мамаражаб Мусулмоновнинг жўшқин меҳнат фаолияти давом этди. У қирқ йилдан ортиқ бригадир бўлди. Қишлоқнинг катта-кичик ташвишлари билан яшади. Ободончиликка алоҳида эътибор қаратди. Юз гектарлаб янги боғлар яратишга, токзорлар барпо этишга бошқош бўлди. Пилла тайёрлашда, мева, узум ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришда Мамаражаб Мусулмонов бошлиқ бригада ҳамиша пешқадам эди.

Бундан ўн йил бурун Мамаражаб ака пенсияга чиқди. Энди чойхонага чиқадиган, қариялар қаторига қўшилиб бир пиёла чой устида сухбат қуриб, кўнгил ёзадиган дамлар етди, деб ўйлаган эди у. Газа маҳалласи аҳли уни ҳоли-жонига қўйишмай маҳалла фуқаролари йиғини оқсоқоллигига сайлашди.

Унинг зиммасига яна масъулиятли вазифа юкланди. Уч минг беш юздан ортиқ фуқаро мужассамлашган уч юз етмиш хўжалик, тўрт юзга яқин оилага раҳбарлик қилиш осон иш эмас. Шундай бўлса ҳам навқирон йигитлик чоғидан элга бош Мамаражаб ака бу шарафли вазифани астойдил адо этмоқда. Эрта тонгдан оқшомга қадар одамлар ташвишлари билан елиб югуради. Тўй-маъракаларга бошчилик қилади. Уларни яхшиликка ундайди.

Бу ишда маҳалла йиғини қошида ташкил этилган етти комиссия аъзолари унга яқиндан ёрдам беришди. Яраштириш, ёшлар ҳамда хотин-қизлар муаммолари билан шуғулланувчи, тўй ва ҳашарларни ўтказиш, маъмурий ва бошқа комиссиялар иши намунали ташкил этилган. Маҳалла посбонлари фаолияти ҳам мақташга лойиқ. Кунни тунга улаб меҳнат қилишяпти улар. Сардор Холиёр Назаров, барча посбонлар ҳуқуқни ҳимоя қилиш органи ходимлари билан ҳамжиҳатликда ишлашмоқда. Натижада жамоат тартибининг бузилишига, жиноятлар содир этилишига йўл қўйилмаяпти. Гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби ҳолатларнинг йўқлиги маҳаллада маърифий-маънавий, тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилганлигидан нишона.

Яқинда маҳалланинг тўрт хонадан иборат идора биноси ҳашар йўли билан қурилди. Ишчилар ҳам, дурадгорлар ҳам маҳалла одамлари. Қурилиш материаллари, анжомларини ҳам уларнинг ўзлари жамлади.

Маҳаллада бева-бечоралар, кам таъминланган ҳамда кўп болали оилалар, уруш ва меҳнат ногиронлари, боқувчисини йўқотган кишилар алоҳида рўйхатга олинган. Уларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун сарфланаётган маблағ ойига бир ярим миллион сўмдан ошиб тушмоқда. Боз устига, саховатпеша кишилар, тадбиркорлар ҳам маҳалла йиғини орқали ёрдамга муҳтожларни қўллаб-қувватлаб келишаяпти. Ободончилик ишларини амалга оширишда ҳам улар мададкор.

Мамаражаб ака Мусулмоновнинг оқсоқоллик фаолиятида унинг иш кўрган одамлиги яққол сезилмоқда. Унинг раҳбарлигида Газа маҳалласи обод, кўркам, аҳолиси тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

РУКН **Ибрат**

БОЛАЛАРНИ ЎЙЛАБ...

Хизмат юзасидан Қорасарой маҳалласи оқсоқоли А.Абдуллаев ҳузурига турли масалаларда кўмак сўраб келганларни кузатдим.

Кимдир бу ерга моддий ёрдам сўраб, яна кимдир тўй маслаҳатини ҳал қилиш учун келган. Кўрганларимга разм солиб, «Бу ерга келганлар ҳеч норизо бўлиб кетишмайди-я» деб ўйладим.

Шунда хаёлимга бир фикр келди. Маҳалланинг шинамгина идорасида турли газета-журналлар, қўлланмалар қаторида «Мактабгача тарбия» журнали ҳам бўлиши зарур экан.

Ўзим шу соҳа мутахассиси бўлганлигим учун, болалар боғчаларидаги аҳволдан хабардорман.

Ота-оналарга «болаларни боғчаларга топширинг» деб даъват этишдан йироқдаман, негаки, оилавий тарбия қадрини биламан. Онанинг бағрида, бувижоннинг ардоғида ўсиб улгаяётган бола беташвиш, бехавотир ва соғлом яшайди.

Лекин, ислоҳ бўлаётган таълим тизимининг пойдевори - мактабгача таълим зиммасига бевосита болаларни ўқишга тайёрлаб бериш вазифаси юклатилган. Болалар лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ўрганиб, сўнг мактабга чиқишлари, 20 дақиқа ичида мураккаб бўлмаган арифметик масалаларни ечишлари, теварак-атроф ва табиат ҳақида муайян тушунчаларга эга бўлишлари, 30 га яқин шеърларни билишлари талаб этилади. Боланинг нутқи равон бўлиши учун эса у камида 4 мингтача сўзни билиши керак.

Ёш оналарга оила шароитида айнан шундай талабларга жавоб берувчи таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишда, энг муҳими, болани мактабдаги таълимга пухта тайёрлашда «Мактабгача таълим» журнали самарали ёрдам беради.

Мен маҳалла болаларини, уларнинг оналарини ўйлаб, «Мактабгача таълим» журналига обуна бўлдим ва уни маҳалла манзилига ёздирдим.

Маҳалла ҳудудида фаолият кўрсатаётган иккита боғча тарбиячилари учун ҳам бу журнал услубий қўмакчи вазифасини ўтайди. Улар келгуси йилдан бошлаб маҳалла идорасига келиб, ушбу нашрдан бемалол фойдаланишлари мумкин.

Гули ҲАМРО
Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Қорасарой маҳалласи фуқароси.

ТАҲРИРИЯТДАН:
Ушбу мақола муаллифининг «Мен маҳалла болаларини ўйлаб «Мактабгача таълим» журналига обуна бўлдим» деган сўзларидан қувондик. Ҳар ҳолда бир инсон ўз яхшилиги билан бошқаларни ҳам ортидан эргаштириши мумкин-да. Зора, маҳалласи ҳаётининг равнақини ўйлаб «Mahalla» газетамизга обуна бўлгувчилар ҳам кўпайса...

РУКН **Мулоҳаза**

МАҲАЛЛА ҲАЁТИнинг ТЕМИР ҚОИДАСИ

Уни «дом»ларда ташкил этилган маҳаллаларга ҳам жорий этиш ҳаёт талабидир.

Маҳалланинг тарбиявий аҳамияти ҳақида Юртбошимиз «Ўзбек фарзанди дастлабки жамият тарбиясини айнан маҳаллада олади. Унинг тафаккури кўпчилик ичида, қўни-қўшниларнинг яхши-ёмон кунларида бирга бўлиш орқали шаклланади, ўзидан катталарнинг ширин муомаласи, юриш-туриши, одоб-ахлоқи замирида шаклланади.

Маҳаллаларимизда тонг саҳардан кўчаларга сув сепилиши, таниш-танимасликдан қатъий назар, одамларнинг бир-бирига эзгу тилак билан салом бериш, оқсоқолларнинг ёшлар умрига барака тилаб дуо қилишининг ўзи катта тарбия мактабидир», - деганлар.

Маҳалла тарбиясининг хосиятли томони шуки, маҳалла ёшлари бир-бирларини ҳақорат қилишга журъат этолмайдилар. Бильакс, маҳалла ҳудудидан бораётган ҳар бир ёш-яланг қўли кўксида бўлиб, катталарга салом беради ва уларнинг ҳурматини жойига қўяди. Мабодо бирор маросимда оғзига ичкилик теккан инсон ҳам маҳаллага қадами теккач, ҳушёр бўлиб қолади, у маҳалла аҳлининг маломатидан чўчийди.

Шуни таъкидлаш лозимки, эски маҳаллалар ва улардаги оилалар билан кўп қаватли уйларда яшовчи оилалар ва маҳаллалар ўртасида катта фарқ бор. Албатта, «дом»ларнинг маълум қулайликлари мавжуд. Бироқ, бу уйларда саҳн, ҳовли йўқ, барча оила аъзолари деворлари юпқа хоналарда яшайдилар. Ота-она ҳам, бола-чақа ва келин-куёвлар ҳам бир-бирига туташ хоналарда яшашга мажбурдирлар. Бу эса, ўзбекона яшаш тарзига анчагина ноқулайликларни юзага келтиради. Чунки, бундай уйларда ибо-ҳаё, уят-номус, андиша-диёнат, ориятдеган муқаддас тушунчалар маълум даражада чегараланиб қолади. Ўзингизнинг гапингиз у ёқда турсин, ён қўшнингизнинг овози, хатти-ҳаракатлари шундоққина эшитилиб туради. Маълумки, ота-она, келин-куёвлар ўртасида иффат пардаси бор. Бу муқаддас парда эски маҳаллаларда сира очилмайди. «Дом»ларда эса... Кўпинча болалар тарбияни кўчадан оладилар. Болаларни қўни-қўшнилар ва маҳалла назорат қилиши қийин кечади.

Маълумки, ҳар қандай муҳит ва вазиятнинг ижтимоий-маънавий сабаблари бор, албатта. Аввало, кўп қаватли уйларда ирқи, дини, иймон - эътиқоди турли бўлган турмуш тарзи бир-бирига ўхшамаган аҳоли яшайди. Боз устига улар турли ҳудудлардан келган, бир-бирини танимайдиган кишилардир. Албатта, ҳар бир инсон, айниқса, миллатимиз қаерда яшамасин аҳиллик, иноқликка, ўзаро дўстликка, биродарликка интилади. Бу инсоний фазилатлар халқимиз вужудига сут билан кирган. Биз барча миллатларни бирдек кўрамиз, улар билан акаукадек, опа-сингилдек яшашга ҳаракат қиламиз. Тошкент шаҳридаги аксарият «дом»лар, мавзелардаги ижобий ўзгаришлар бунинг яққол далилидир. Муҳтарам Юртбошимиз кўп қаватли уйларда ҳам ўзбекона турмуш тарзини мустаҳкамлаш, ўзбекона таълим-тарбия, одоб-ахлоқни қарор топтириш учун катта куч ва ғайрат сарфлояптилар. Бунга жавобан янги маҳаллалардаги фаоллар ва фуқаролар ҳам эски маҳаллаларга тенглашиш, ўз маҳаллаларининг обрўсини кўтаришга интилмоқдалар. Айниқса, маҳаллаларда моддий-маиший шароитни яхшилаш, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Аксарият маҳаллаларда ҳашаматли, гўзал гузарлар, маърифий-маиший масканлар, маданий муассасалар қурилмоқда.

Кўп қаватли уйлардаги маҳаллалар фуқаролари йиғинлари ўз ҳудудларида кўпинча ибратли ишлар ва режаларни амалга оширсаларда, баъзи маҳаллаларда ҳамон маърифий ва маънавий кемтиклик сезилади. Умуман, маҳаллаларимизда ҳамон иймон-эътиқодли, маънавий-маърифий жиҳатдан баркамол ёшларни вояга етказиш муаммоси тўла-тўкис ҳал қилинмаган. Хўш, бу ўта муҳим масалани уддалаш учун қандай чора-тадбирларни кўрмоқ керак? Янги маҳаллаларнинг янада файзли ва обрў-эътиборли бўлиши учун нима қилмоқ даркор? Барча оқсоқоллар, маҳалла фаоллари ҳамда ҳар бир кишининг бу саволларга жавоб излаб кўришини истар эдик.

Фатхулла АБДУЛЛАЕВ,
шарқшунос олим.

ОВРЎПОЧА СИФАТ ТАЛАБИ НИМАЗ

ёки рекламалар таржимаси ҳақида

Ҳар гал метрога тушганимизда вагонларга жойлаштирилган рекламалар беихтиёр эътиборимизни тортади. Мисол учун мана бундай: «Дента-Мед тиш тозалиш воситаси ҳақиқатан ҳам кариеснинг олдини олади ва тиш устида ҳосил бўлувчи Тиш ўта хавфли бўлган қатламни тозалайди. Мен ҳар доим ўз беъморларимга Дента-Медни тавсия қиламан...

ЛУҚМА

Дента-Мед Тиш тозалиш воситаси Овруўпо сифат талабига тўлиқ жавоб беради.»

Матн рус тилидан чавўирилганлиги сезилиб тўла савод мутахассис томонидан тўдан эътиборсизликни қаранг: рибди. Лекин бошқа томонган кўп нарсани биламиз, аммо Овруўпоча дея қайд этилаётталабини тасаввур қилинг-а. саломатлиқнинг Овруўпоча таъсири йўқдир. Унда нега бу Балки осиёлик учун унинг наяпти, агарки бизнинг сифат манзилларда тарғиб қилинмазали ичимликни биламиз, талабимизга жавоб бермаса?! энди бўлса «мукаммал ичимлик» ҳам чиқибди. «Мукаммал ичимлик» - нима ўзи? Ичимлик ҳам мукаммал бўладими?

Хуллас, бу билан «Овруўпа сифат талабига «мукаммал ичимлик» каби маҳсулотлар тўғрисидаги рекламаларнинг таржима тартиблари бузилган ҳолда берилиши тарғиб қилинаётган маҳсулотларга бўлган қизиқишлар кўпайиши ўрнига пасайиб кетиши мумкинлигини эътироф этмоқчимиз.

Нурали ШОДИЕВ.

РУКН **Митти маслаҳат**

ЭВАРАМГА РАҲМАТ...

Яқинда уйимизга эварам Шоҳруҳ келиб, хонадонимиз нақ байрамга айланиб кетди. Дастурхонга мева-чевалар қўйилди. Хонтахта устида турган кулдондаги сигаретанинг ҳали чўғи ўчмаганди. Эварам уни энди оғзига олмоқчи эди, мен унга «Йигитча, чекманг, бу ахир зарарку?» дедим. Шунда эварам менга қараб кулиб, «Буважон, бу зарар бўлса, нега ўзингиз чекасиз? Сиз ҳам чекманг-да!» деди.

Мен беш ёшли эварамнинг «маслаҳати»дан лол қолиб, шу заҳоти Шоҳруҳга: «Кел энди иккимиз ҳам чекишни ташлайлик!» деб ҳазил қилдим ва сигарет қолдиғини ва почкадагисини тандир ичига ирғитиб юбордим. Шу кундан бошлаб сегарет чекишни ташладим.

Ҳожиакбар АЗИМОВ

Ҳаёт завқини туйиш

РУКН **Томоша туфайли «томоша»**

Одатдагидек оқшомларнинг бири. Соат 20.55 да ҳозиргина болалару катталар билан гавжум «дом»нинг ҳовлиси бирпасда бўм-бўш бўлиб қолди.

«МОЛЛАРИМ ҚАНИ, ЭСМЕРАЛЬДА!»

***ёки* бу чоллар, ёмон чоллар...**

Ҳовли чеккасига қўйилган ўриндиқларнинг бериги томонида мен қизим билан, нариги томонида Хоразмдан меҳмонга келган отахон неваралари билан қолдик. Отахон ўтирган жойидан сўроққа тутди:

- Қизим, сен нега «Эсмеральда»ни кўришга чиқмадинг?

-Қизиқмайман,- дедим

Унинг айтишича болалари кўр киз йиғласа йиғлаб, кулса кулиб кўрар эканлар. Отахон Гурландаги ҳовлиларида «Эсмеральда» билан боғлиқ воқеани гапириб бердилар:

- Ўғлимнинг ҳовлиси ҳам меники билан ёнма-ён. Шунинг учун тонгда ҳам, шомда ҳам уларникида бўламан. Хуллас, кечқурун ҳамма телевизор атрофида жамулжам бўлишди. Одатдагидек неварам Сардор саволга тутди:

- Немисни қанақа қилиб қувлагансиз?

Жавобга энди оғиз жуфтлаган эдимки, телевизорга кўзи тушиб қолган Сардор жажжи кафтлари билан оғзимни тўсди:

- Жим, жим, гапирманг, «Эсмеральда» бошланди.

- Сардор, - дея гап бошламоқчи эдим, келиним зарда қилди:

- Намунча гапиравердинг, Сардор...

Тавба. Ҳар куни шу аҳвол.

Секин ўғлимга қарадим. Ўғлим бу дунёда болалари, хотини, отаси борлигини бутунлай унутиб, ҳалиги ҳадеб йиғлайвериб асабни қақшатадиган қиз бору, ҳа-ҳа Грасела, ўшанга қараб ёнбошлаганча шағамдек қотиб турибди денг. Аста ўрнимдан турдим. Эшикнинг олдига боргач орқамга ўгирилдим. Учта бола оғзи очилиб, анқайган, келиним ҳаяжонда қўли беихтиёр кўтарилган, ўғлимнинг аҳволи эса ҳалигиндай. Сизларни бир бопламасам...

Тонгда одатимча ўғлимникига ўтдим. Ҳовли йиғиштирилмаган. Келиним ҳовлининг қоқ ўртасида, ўғлим остонада ўтиришарди. Бировимиз эшитиб бировимиз эшитмай саломлашган бўлдик. Ўғлим боши билан оғилхона томонга ишора қилди. Оғилхонанинг оқариб кетган тахта эшигига кўмир билан катта ҳарфларда «Раҳмат сенга, Эсмеральда» деб ёзилган экан.

- Ҳа, кечаги серияси айниқса қизиқ бўлди. Келин, шу тасқара дўхтир охир бориб Эсмеральдага уйланиб оладиёв, нима дединг?

- Эсмеральда деб жонимни ёқманг, ота! Ўлмайдиларми уйланишиб, менга деса, молларимни ўғирлаб кетишибди, тўрт мол-а ахир! - шундай дея келиним уввос солиб йиғлаб юборди.

- Молларим қани, Эсмеральда?

- Йўғей?

- Ишонганим шу тўртта мол эди, - деб ўғлим ҳам минғиллай бошлади. - «Эсмеральда»ни кўриб ўтирганимизда етаклаб кетишган.

- Кундан-кунга қизиқ бўляпти-да «Эсмеральда» ҳам. Анов йиғлоқи Грасела деганда моддий-маиший шароитни яхшилаш, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

- Ота, мен нима ғамдаману -, шундай дея ўғлим менга синовчан тикилди.

- «Ҳовва» - деганча унинг қарашига «бардош» бердим.

Ўғлим кийиниб, қоғоз-қалам олиб милисага отлана бошлади. Ҳовлида учта бола билан келиним мунғайибгина туришарди. Чидолмадим. Ўпкам оғзимга тиқилгудай ҳовлимга ҳаллослаб келиб, орқа ҳовлига боғлаб қўйган ўғлимнинг молларини тезгина кўчага ҳайдаб солдим. Биттаси аввалроқ бўшалиб олтиндай товланиб ётган нок дарахтини ярмини ғажиб ташлапти. Қулоғимни «динг» қилиб ўғлимнинг ҳовлисига тутдим. Бироздан сўнг болаларнинг шўх-шодон кулги тўла қийқириғи келиб қолди. Хайрият! Шу пайт қизимизникидан кампирим келиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Зерикмай ўтирдингизми деган эди:

- «Эсмеральда» зериктирармиди, - дея жавоб қилдим.

Ҳовлида келиним кўринди. Олдимга келиб, бошини эгганча:

- Ота, бизни кечиринг... Кечга жўхори куртик қиламан. Энам билан чиқинг. «Эсмеральда»ниям бирга кўрамиз, - деди.

Инобат НОДИРШОҲ қизи.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЎБИРИ

ҚУЙ (21.03-21.04)
Кўнгилсиз воқеанинг сабабчиси бўлиб қолишингиз мумкин. Чунки ҳар нарсада меъёр зарурлигини унутдингиз.

СИГИР(22.0420.05)
Кейинги кунлар давомида мақсадсиз ва бекорчи харидлар қиласиз. Шу сабабли турмуш ўртоғингиз билан тортишасиз ҳам.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Шу кунларда сиз учун энг муҳими вазиятни тўғри баҳолай олишдир. Ҳамкорларингизга ҳушёр бўлинг.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)
Муҳим молиявий масалаларни ҳал қилишни кейинроққа қолдиринг. Дам олиш кунларида серхарж бўласиз.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Бордию айни кунлардаги кўтаринки кайфиятингизни ҳафта охиригача сақлай олсангиз, ишларингиз «жойида» бўлади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Яқин уч-тўрт кун сизга қулай келади. Дам олиш кунларида оила даврасида бўлинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Келаси чоршанбага қадар ҳаётингиз кўнгилсизликлардан холи. Қолгани эса ўзингизга боғлиқ.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Шу кунларда хотиржамлик ва осойишталикни орзу қилмай қўяқолинг. Қувончли ва қувончсиз ташвишлар оғушидасиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Сўнгги уч кун ичида узоқ манзилдан хабар олишингиз мумкин. Афсуски, ундан хурсанд бўлмайсиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Агар сизда ўзингизнинг ва бошқаларнинг асабини жунбушга келтириш истаги бўлмаса, шу кунларда босиқроқ бўлинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Дам олиш кунларини қувноқ даврада ўтказасиз. Душанбадан эса айрим тушунарсиз ҳолатларга дуч келасиз.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Арзимаган сабаб билан ҳўзғалган катта можаронинг марказида қоласиз. Ҳеч кимга ёнбосмай, ўз фикрингизда қолинг.

Обуна-2003

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, Сизнинг содиқ йўлдошингиз - MAHALLA ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Чоршанба - орзиқиб кутилган дамлар.

Азиз муштарий!
Обуна хусусидаги ҳар қандай савол ва таклифларингизни тортинмай изҳор этинг, обуна шартларини сизга қулай тарзда ташкил этиш учун кўмак беришга ҳамиша шаймиз!
Таҳририят
Мулоқот учун телефон: (8-3712) 136-53-93

СКАНВОРД+



Эшик жиринглайди. Уй эгаси эшикни очмай сўрайди:
-Ким бу?
-Марҳамат, бир икки сўм худо йўлига...
-Яхши, яхши, эшикнинг тагидан узата қолинг.

Ўтган сонда берилган сканворднинг жавоблари:

Бойсун, Қодирий, доно, йод, эски, нок, антиқа, афсона, товуқ, сув, ой, адолат, до, ошкора, қармоқ, корт, ушалмоқ, накд, аср, НТВ, номус, цитрамон, шар.

А.ҲАКИМОВ чизган.

MAHALLA

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъноберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Саҳифаловчи: Аброр БЕРДИЕВ
Навбатчи: Нурали ШОДИЕВ

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-1026 Топширилди—20[30]